
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА ИСЛОМ МАҲАЛЛАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Ўзбекистон туманига ташрифи давомида маҳаллаларни ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш, ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ўрганди.

Айни йўналишда Ислон маҳалласида амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди.

Маҳалладаги мавжуд 550 дан зиёд хонадоннинг аксарияти касаначилик асосида қуруқ ва хўл меваларни қайта ишлаш ҳамда саралаш билан шуғулланади.

Бунда маҳаллада истиқомат қилиб, айни йўналишда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларнинг ҳиссаси улкан. Жумладан, ҳам маҳалла раиси, ҳам экспортёр тадбиркор Илҳомжон Маматқулов раҳбарлигидаги “Yahyohon Trade 2020” оилавий корхонасига 450 та хонадон бириктирилган. Яъни нафақат Ислон маҳалласи балки қўшни маҳаллаларда ҳам яшовчи 450 нафар фуқаролар кооперация асосида мазкур корхона ёрдамида бандлиги таъминланиб, кунлик муносиб даромадга эга бўлмоқдалар.

Корхонанинг хонадонлардаги аҳоли вакиллари ёрдамида қуритилиб, қайта тайёрланаётган йиллик 5 минг тонна, қиймати эса 10 млрд. сўмлик мева ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Россия, Хитой ва Туркия каби давлатларга экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Хайрулло Бозоров бу ерда аҳоли билан мулоқот қилди, ҳар бир оила ҳаракат қилса яхши даромадга эга бўлишини таъкидлади.

2024-09-20 22:54:21